



ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

йил 28 октябрь

№ 201-Қ

**Оқдарё ва Пахтачи ўрмон
хўжалиқларига ер ажратиш
хақида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 58 моддасига ҳамда вилоят ҳокимининг 1997 йил 9 сентябрдаги 162-Ф рақамли фармойишига биноан Зарафшон, Қорадарё ва Оқдарё дарёлари ҳавзаси муҳофаза доираларида теракчиликка ихтисослашган Оқдарё ва Пахтачи ўрмон хўжалиқларига ер ажратиш ҳақида Оқдарё, Нарпай, Иштихон ҳамда Пахтачи туман ҳокимларининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Оқдарё туман ҳокимининг 1998 йил 30 апрелдаги 110-Қ рақамли, Иштихон туман ҳокимининг 1998 йил 30 мартдаги 96-Қ рақамли “Қорадарё ва Оқдарё дарёларини муҳофаза доирасида теракчиликка ихтисослаштирилган Оқдарё ўрмон хўжалиғига ер ажратиш ҳақида” ги, Нарпай туман ҳокимининг 1998 йил 27 апрелдаги 120-Қ рақамли, Пахтачи туман ҳокимининг 1998 йил 24 июндаги 189-Қ рақамли “Қорадарё ва Зарафшон дарёларини муҳофаза доирасида теракчиликка ихтисослашган Пахтачи ўрмон хўжалиғига ер ажратиш тўғрисида” ги, Нарпай туман ҳокимининг 1998 йил 10 августдаги 252-Қ рақамли “Нарпай туман ҳудудида жойлашган Каттақўрғон ўрмон хўжалиғи фойдаланиб келаётган ерларини Пахтачи ўрмон хўжалиғига ва Ғалаба ёпиқ турдаги пайчилик хўжалиғи ҳисобига ўтказиш ҳақида” ги қабул қилган қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Янги ташкил этилган ўрмон хўжалиқларига ажратилган ер майдонларидан белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш Самарқанд вилоят ўрмон хўжалиғи ишлаб чиқариш бирлашмаси (С.Эргашев) га юклатилсин.